ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 9 август № 31 (208) • Сотувда нархи эркин

АТТЕСТАЦИЯ ЯКУНЛАРИ

Жорий йилнинг февраль ойида Алоқа вазирлигига қарашли концерн, корхона ва алоқа боғламалари раҳбарлари аттестациядан ўтказилди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад-почта соҳасида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, раҳбар кадрларнинг малакаси, иқтисодий, ҳуқуқий билим даражаларини аниқлаш, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига баҳо беришдан иборат эди.

Аттестация талабчанлик билан ҳолис олиб борилди. Комиссия мажлисида Қорақалпоғистон Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликларининг масъул ходимлари, касаба уюшмаси ва Давлат алоқа назорати раҳбарлари иштирок этдилар.

Аттестация якунига кўра 209 раҳбар аттестациядан ижобий, 74 киши эса маълум муддатдан кейин қайта аттестациядан ўтказиш шарти билан ўтди, 14 раҳбар ўз лавозимига нолойиқ деб топилди.

Концерн ва давлат почта корхоналари раҳбарларининг 37 тасидан 19 киши аттестациядан ижобий, 8 киши шартли равишда ўтди, 10 нафар раҳбар билан эгаллаган лавозимида бир йилдан кам ишлаётгани учун суҳбат ўтказилди.

Алоқа боғламаларининг 336 раҳбаридан 190 киши аттестациядан ижобий ва 66 киши шартли, 14 раҳбар ўз лавозимига нолойиқ деб топилди. 66 раҳбар билан суҳбат ўтказиб, улардан 4 нафарини лавозимидан четлаштириш лозим деб топилди.

Аттестация натижаси шуни кўрсатдики, 60 фоизга яқин раҳбар шу куннинг талаби даражасида касбий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларга, ташкилотчилик қобилиятига эга ва почта соҳаси олдида турган муаммоларни тўғри тушуниб, ҳал қила олади. Айни чоғда кўпгина раҳбарларнинг билим даражаси пастлиги аниқланди. Шу боис уларнинг малакасини ошириш лозим деб топилди.

Баъзи вилоятларда раҳбарларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё почта алоқа корхонаси раҳбарлари кадрлар танлаш ишига масъулиятсизлик билан қарашгани туфайли кўпгина туман ҳокимлари тавсияси билан почта алоқа корхоналарига соҳадан мутлақо хабардор бўлмаган мутахассислар тайинланган. Ваҳоланки, худди ана шу туманларда Алоқа институтини ёки коллежини битирганлар бошқа соҳаларда ишлашга мажбур бўлишмоқда.

Бу масалада вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари билан почта соҳаси раҳбарларини жой-жойига қўйишни ҳамжиҳатликда олиб бориш ҳақида келишиб олинди. Туман алоқа боғламаларининг бошлиқлари концерн номенклатурасига ўтказилди. Бу тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар бермоқда.

Аттестация почта соҳаси тизимини такомиллаштириш ишида ҳали катта имкониятлар борлигини аниқлади. Масалан, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, кўпгина вилоятларда давлат почта алоқа корхоналари ва шаҳар почтамти бошқарув аппаратини бирлаштириш натижасида сарф-харажатларни камайтирибгина қолмай, балки ходимлар муаммосини ҳам маълум даражада ҳал қилиш мумкин.

Почта соҳаси олдида турган долзарб масалалардан бири мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан яхшилашдан иборатдир. Алоқа коллежида ташкил этилган ва корхона ишчилари учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ходимлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг 2005 йилгача мўлжалланган Дастури қайта кўриб чиқилиб, компьютерларда ишловчи ва «Электрон почта» каби янги хизмат турларини жорий қилиш учун ходимлар тайёрлашни жадал суръатлар билан олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Аттестация натижалари бўйича ҳар бир вилоят учун тайёрланган баённомада комиссия тавсиялари амалда тадбиқ қилиниши, аттестациядан ўтмаган раҳбарлар 2 ой ичида ишдан озод қилиниши, шартли ўтганлар билан мунтазам иш олиб борилиши, раҳбарлар резерви қайта кўриб чиқилиши давлат почта алоқа корхоналари раҳбарларидан талаб қилинган.

Аттестация ўтказиш жараёнида вилоят давлат почта алоқа корхоналарида маркетинг хизматини жорий қилиш, янги анъанавий бўлмаган хизмат турларини кўпайтириш тавсия этилди.

Юқорида айтилганларга асосланиб айтиш мумкинки, почта соҳасида ўтказилган аттестация республикада бу соҳанинг ривожланиши, унинг янги босқичларга кўтарилиши учун муҳим омил бўлиб қолади.

Р. ЗИКИРОВ,
«Ўзбекистон почтаси» концерни раиси

БУЮРТМА БЕРИНГ, БАЖАРАМИЗ

Навоий вилоят электралоқа корхонаси ўз қурилиш-монтаж бошқармасига эга. Унинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида қурувчилар 4 миллион сўмлик ишни бажардилар. Масалан, вилоят сув хўжалиги бошқармаси, халқ банки вилоят бўлимининг янги биноси каби иншоотлар телефон алоқаси билан таъминланди. Қурилиш-монтаж ишларини малакали алоқачилар олиб боришаётганлиги сабабли буюртмачилар ҳам уларнинг хизматларидан мамнун. Чунки қурувчи пайвандчилар тортган тармоқлар тез шикастланмайди ва узоқ вақт беминнат хизматда бўлади.

Алоқа қурилиш-монтаж бошқармаси телекоммуникация соҳаси бўйича Миллий дастурни амалга оширишни ўз олдиларига вазифа қилиб белгилаган.

ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ

Хатирчи туманидаги алоқачилар уйи қурилиши ҳар хил сабабларга кўра анча чўзилиб кетганди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, вилоят электралоқа корхонаси ёрдамида қурилиш ишлари яна жонлантирилиб, замонавий услубда қурилган икки қаватли алоқачилар уйининг янги биносига Жанубий Корея да ишлаб чиқарилган, жаҳон андозаларига мос келадиган автомат ускуналар ўрнатиладиган бўлди. Шу йилнинг охиригача ишга туширилиши мўлжалланаётган бу телефон станцияси тумандаги сўзлашув нуқталари сонини яна 2400 тага кўпайтиради.

К. САТТОРОВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Навоий вилояти



Тошкент шаҳридаги Мяробод телефон алоқа тармоғига қарашли 55-АТС муҳандиси Елена БУТИГИНА ва электромеханик Гулнора ЮСУПОВАлар станция жиҳозларини кўздан кечиришмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ОЛАМДА НИМА ГАП?
• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Ўзбекистон Республикаси Президенти номига АҚШ Президенти Билл Клинтондан мактуб келди.

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмасининг кенгайтирилган пленуми бўлиб ўтди. Унда уюшма фаолиятини янада кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза этиш, матбуот, радио ва телевидение фаолиятидаги демократик жараёнларни чуқурлаштириш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилди. Уюшма котибиятининг Журналистлар уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма билан бирлаштириш тўғрисидаги қарори маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви йиғилишида ҳам айни шундай қарор қабул қилинди.

• Тошкентда Олий Мажлис Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Олий Мажлис VI сессияси тўғрисидаги масала, «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонунининг Самарқанд вилоятидаги ижроси ҳамда тегишли вазирлик ва қўмиталарда ушбу Қонунни амалга ошириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

• Белоруссия Президенти Александр Лукашенко сиёсий партиялар етакчилари билан давра суҳбатида иштирок этишга тайёрлигини маълум қилди. Мамлакатдаги 7 та сиёсий партия раҳбарлари яқинда Президентга ана шундай учрашув ўтказиш таклифи билан мурожаат қилган эдилар.

• Тожикистон Хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлисида мамлакат мудофаа концепцияси ва ҳарбий доктринасини яратиш ҳақида сўз борди.

• Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида халқаро геологик конгресс ўз ишини бошлади.

• Жаҳон ахборот агентликларининг хабарига қараганда, Жанубий Корея прокуратураси мамлакатнинг собиқ Президенти Чон Ду Хванни олий жазога ҳукм қилишни талаб қилмоқда.

• Софиядан олинган хабарларга кўра, Жаҳон банки Болгарияга 30 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган.

• Америка Қўшма Штатлари Ҳамдўстликнинг қатор мамлакатлари каби Украинага ҳам қуроллар сотишни мақсадга мувофиқ деб топмади.

• Японияннинг Хиросима шаҳрида Осиёнинг шимолий-шарқий қисмида ядросиз зона ташкил этишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

КОМИЛ АҲМЕДОВ: «АЛОҚАЧИЛИК ОСОН ЮМУШ ЭМАС»

Металлургларнинг шаҳри бўлмиш Бекобод Тошкент вилоятининг иқтисодига салмоқли ҳисса қўшаётган саноат шаҳарларидан биридир. Тумандаги илғор корхоналар қатори шаҳар электралоқа боғламаси ҳам ўзига хос ривожланмоқда. Яқинда мухбиримиз корхонада бўлиб, бу ерда аҳолига қандай алоқа хизмати кўрсатилаётгани, ечимини кутаётган муаммолар ҳамда ходимлар тайёрлаш каби масалалар хусусида электралоқа тармоғининг бошлиғи Комил АҲМЕДОВ билан суҳбатлашди.

—Комил ака, авваламбор Бекобод шаҳар электралоқа тармоғининг кечаги, бугунги ва эртанги куни ҳақида гапириб берсангиз?

—Бекобод шаҳар электралоқа тармоғи 2-АТСи 1970 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Шу даврдан 6 минг рақамли 2-АТСимиз аҳолига мунтазам хизмат қилмоқда. Жамоамизда 120 нафар алоқачилар меҳнат қилишади. 1995 йилда янги 3-АТС ишга туширилди. У 4 минг рақамга мўлжалланган. Ҳозирги кунда Бекобод шаҳрида 10 мингта телефон узлуксиз ишлаб турибди. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, телефон рақамларини яқин кунларда 12 мингтага етказишни режалаштирганмиз. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 2000-2500 сўмни ташкил этади. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги режаларини муваффақият билан якунладик.

—Аҳолининг алоқа хизматига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ўсиб бораётган бир пайтда сизларда янги, замонавий технологияга эҳтиёж сезиляптими?

—Дарҳақиқат шундай, бугунги кунгача аҳолидан 5 мингга яқин ариза тушган. Бу, албатта, шаҳримиз аҳолисининг алоқа хизматига бўлган талаби ортиб бораётганидан дарак беради. Аҳолининг эҳтиёжини қондириш осон иш эмас. Бунинг учун тармоқни қайта таъмирлаш, янги, замонавий электрон рақамли узатиш линияларини ўрнатишимиз керак. Ана шу мақсадда Тошкент вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси билан шартнома тузган. Унда шу йилнинг охирига қадар Ангрен, Оқ-қўрғон, Янгийўл, Чиноз, Оҳангарон, Олмалиқ каби шаҳар ва туманларда эски АТСларни «ДЭУ» корпорациясининг янги, замонавий электрон рақамли узатиш ускуналари билан алмаштириш, жиҳозлаш, станцияларни тубдан қайта таъмирлаш кўзда тутилган.

—Мутахассислар масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз?

—Биз бугун нафақат янги техника, балки малакали мутахассислар ҳақида ҳам ўйлашимиз лозим. Ходимлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Масалан, бошқармамизнинг кабелчи пайвандчилари учун корхонанинг ўзида машғулотлар олиб боришни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, муҳандис ходимларни «ДЭУ» корпорацияси ташкил этган 3,5 ойлик ўқишга юборяпмиз.

—Дебитор ҳамда абонент қарзлари қандай ундирилаяпти?

—Ҳақиқатан ҳам шаҳримиздаги қатор корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, бюджетдаги корхоналар, маъмурий органлар, ўт ўчирувчилар, металлургларнинг корхонаси, Бекобод цемент Ҳиссадорлик Жамияти, темир-бетон ишлаб чиқариш корхоналари дебитор қарзларини уза олмаётирлар. Натижада қарздор корхоналардан ўзимизга керакли хом ашёни бартер усулида ундириб оляпмиз. Шу жумладан, Бекобод цемент Ҳиссадорлик Жамиятидан цемент, шифер, трубалар олиб, тармоғимизни таъмирлаш ишларида фойдаланяпмиз. Бекобод озиқ-овқат таъминот муассасасидан турли сабзовотлар олиб, арзон нархда ўз ишчиларимизга сотяпмиз.


Шунингдек, абонент қарзларини хонадонма-хонадон юриб йиғяпмиз. Бу борада мантўрлардан М. Абдураҳмонов, С. Абдураззоқов, Н. Табулинскаялар фаоллик кўрсатишмоқда. Бу қўшимча меҳнатлари учун мантўрларимизни аҳолидан йиғилган пулнинг 10 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириб боряпмиз.

—Сиз алоқачи мутахассис сифатида юртимизнинг алоқа соҳасидаги истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

—Маълумки, кейинги пайтда республикамизда алоқа соҳасини ривожлантириш борасида катта ишлар қилиняпти. Шу жумладан, Миллий дастурнинг қабул қилиниши, хорижнинг йирик алоқа фирмалари, компаниялари билан шартномалар асосида ҳамкорлик қилинаётгани, турли замонавий технологияларнинг соҳага кириб келиши келажакда ўз мевасини беради.

Соҳамизда қилинаётган бир қатор ишларга асосланиб айтаманки, бизнинг алоқа хизматимиз ҳам жаҳон андозалари даражасида бўлади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Суҳбатдош
Солиҳ ЗОИР,
Тошкент вилояти



Бўстонлиқ электралоқа боғламаси муҳандиси В. ЖИГАНШИН ва Н. ВАЛИЕВАлар таъмирлаш-назорат ишларининг сифатли бўлиши учун астойдил ҳаракат қилишади.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• *Хотира*

ЯХШИДАН НОМ ҚОЛАДИ

Бу фоний дунёдан яхши ҳам, ёмон ҳам ўтади. Аммо ўзидан яхши ном қолдириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бутун умрини ёшлар тарбияси, эл-юрт хизматига бахшида этган инсонлар номи ҳамиша ҳурмат билан тилга олинади.

Алоқа тизимини жаҳон андозаларига мос замонавий алоқа техникалари билан жиҳозлаш; бу техникаларни бошқарадиган малакалий алоқачи муҳандислар тайёрлашда Тошкент электротехника Алоқа институти доценти, олима, устоз-мураббий, ўзбек аёллари ичида биринчи муҳандис алоқачи Муаттар Асқарова (уларнинг охирати обод бўлсин)нинг хизматлари катта бўлди.

Муаттар Асқарова 1952 йили Тошкент давлат университетига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгач, унга Москвадаги электротехника Алоқа институтининг телефон-телеграф алоқаси факультетида ўқишни давом эттириш таклиф этилади. Ўзбекистонлик талаба бу институтни 1957 йили имтиёзли диплом билан битирди.

Муаттар Асқарова Тошкент электротехника Алоқа институтида 35 йил самарали меҳнат қилди. Юздан ортиқ талабаларнинг диплом ишларига раҳбарлик қилди. Ўттиздан ортиқ илмий-услубий мақола ва рисолалари чоп этилди.

Муаттар опанинг бир ўғил ва бир қизи она изидан бориб, институт ёшларига билим бериб келмоқда. Севимли устозимизнинг юзлаб шогирдлари фақат Ўзбекистондагина эмас, бошқа Ҳамдўстлик давлатларида ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

Муаттар опа бир вақтлар маҳаллий қизлардан алоқачи-муҳандис ходимлар етишмаётганлиги, жойларда алоқачилик касби етарли тарғибот қилинмаётгани ҳақида куйиниб сўзлар эди.

Ҳозирги кунда опанинг орзулари рўёбга чиқмоқда. Ўзбекистонда телекоммуникация тармоқларини тўлиқ халқаро алоқа тизимидаги техникалар билан янгилашга катта эътибор берилмоқда.

Муаттар опа институт илмий кенгашларида электротехника Алоқа институтида халқаро алоқа тизимида иш юрита оладиган гуруҳлар очиш, халқаро алоқа андозаларига жавоб берадиган малака ошириш курслари ташкил этиш хусусида кўп гапирарди. Афсус, опа ўйлаб юрган режалари амалга ошаётган кунларни кўролмай кетди. Тошкентда халқаро миқёсдаги ўқув маркази курслари очилди, жаҳон телекоммуникация тажрибаларини ўрганиш йўлга қўйилмоқда. Урганчда замонавий телефон аппаратларини ишлаб чиқарадиган алоқа заводи, Шарқ билан Ғарбни боғловчи 14 давлат иштирокидаги 19 минг километрлик Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистрали қурилмоқда, 1995 йил август ойида қабул қилинган Миллий дастур асосида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Етук алоқачи, ўз касбининг моҳир устаси, меҳрибон мураббий Муаттар Асқарова кўролмаган бекиёс ўзгаришларни унинг минглаб шогирдлари, қасбдошлари, болалари кўрди. Улар опа бошлаган ишни давом эттирмоқдалар.

Тўраҳўжа ўғли
СУЛТОНХЎЖА

Шу йилнинг апрель ойида Тошкент таксофон алоқа боғламаси узоқ муддатли ижара (лизинг) асосида жаҳон андозаларига мос кредит карточкаси билан ишлайдиган замонавий таксофонларга эга бўлди. Бу таксофонлар Италиянинг «Урмет» фирмасида тайёрланган бўлиб, ҳозирги кунда шаҳримизнинг бир неча сўзлашув шахобчаларига ўрнатилди. Таксофон аппаратлари универсал бўлиб, халқаро, шаҳарлараро ва шаҳар ичидаги абонентлар билан боғланиш имконини беради.

Бу таксофонлар ҳар томонлама мустаҳкам ва чидамли бўлиб, фойдаланиш учун ҳам жуда қулайдир. Абонент шаҳарлараро рақамларни қайта териб ўтирмасдан, қайта териш тугмачасини босади ва кредит карточкасидан қолган пул миқдорини таксофон таблосида кўради. Шуни ҳам айтиб

ТАКСОФОНЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

ўтиш керакки, уланиш жараёнида абонентлар карточкасидаги пул бирликлари фақатгина уланиш тугмачаси босилгандан сўнгина ҳисоб-китоб қилинади.

Бундай таксофонларнинг корхона учун қулайлиги шундаки, ўрнатилган таксофонлар автоматик равишда марказ билан боғланади. Боғланиш жараёнида таксофон қаерга ва неча дақиқа қўнғироқ бўлганлиги ҳақидаги ахборотни ва зарур бўлганда ўзининг ички қисмлари бузилганлиги тўғрисидаги хабарларни ҳам узатади.

«Урмет» фирмаси таксофонларини ўрнатишда фойдаланиш хизмати бошлиғи Р. Орифжонов, лаборатория бошлиғи А. Евстегнеев, мантўр С. Гордейкин ва бошқалар иштирок этишди.

Ушбу таксофонлар шаҳримиз абонентларига қулайлик яратиш билан бирга Тошкент таксофон алоқа корхонасининг моддий аҳволини яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Келажакда бундай таксофонларни шаҳардаги одамлар гавжум жойлардаги барча сўзлашув жойларига ўрнатиб, жетон тизимидан батамом чиқиб кетишни мўлжаллаяпмиз.

Н. ШАРАФҚОРИЕВА,
Тошкент таксофон алоқа боғламасининг иш юритувчиси

• *ТЎЙХАТ ЎРНИДА*

АЛОҚА УСТАЛАРИ КЎПАЯВЕРСИН!

1960 йиллари эндигина 14 ёшга қадам қўйган Соҳибжон физика-математика фанларини аъло баҳоларда ўқир, республикамизда шаклланаётган радио ва телевидение соҳасига ниҳоятда қизиқиши катта эди. Бу қизиқиш уни Тошкент алоқа политехникумига (ҳозирги Алоқа коллежига) етаклаб келди. Талабаликнинг энг унутилмас даврларида Тошкент-Москва коаксиал кабель магистралининг Соль-Илеск-Саратов участкасини қуришда иштирок этди. Мана шундай пайтларда кабель алоқаси бўйича олган билимларини амалиётда синаб кўрди. У техникумни муваффақият-



ли тугатиб, йўлланма билан Хоразм воҳасига ишга жўнатилди. Урганч шаҳар алоқа тармоғида бир йил техник бўлиб ишлагач, 1966 йили яна ўзи туғилиб ўсган жонажон Гулистон шаҳрига қайтиб, чўлни ўзлаштириш ҳамда алоқа воситаларини ривожлантиришга ўз улушини қўшди. Шаҳар алоқа тармоғида аввалига техник, сўнгра муҳандис ва катта муҳандис вазифаларида ишлади.

Ёш Соҳибжоннинг ўз ишига қизиқиши ва меҳнатсеварлигини пайқаган вилоят алоқа корхонаси раҳбарлари уни алоқа бошқармасига бош муҳандис этиб тайинлашди. Орадан бир йил зиёдроқ вақт ўтгач, 1970 йили ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматни тугатиб қайтгач, оила қурди ва ўша йили Гулистон шаҳар алоқа тармоғи бошлиғи этиб тайинланди.

Соҳиб Умаров ўз устида тинимсиз изланиши, илмга қизиқиши боис ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. У Тошкент электротехника Алоқа институтининг сиртқи бўлимини битиргач, турли масъул вазифаларда самарали меҳнат қилди.

Жанубий кореялик ҳамкорлар билан Сирдарё вилоятида замонавий рақамли электрон АТСлар қуриш тўғрисидаги шартномага мувофиқ 1994 йили вилоятдан 12 нафар киши Сеул шаҳрига С. Умаров раҳбарлигида замонавий электрон рақамли АТСларни ўрганиш учун малака оширишга юборилди. Соҳибжон ака ўттан йилнинг январь ойидан бошлаб Сирдарё вилоят электралоқа ишлаб чиқариш корхонасида бош муҳандис бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Соҳиб Ҳасанович Умаров қайси жойда хизматда бўлмасин, у чин дилдан меҳнат қилиб, олдига қўйилган вазифани оқилона бажаришга интилди. Ёшларга ўз тажрибаларини эринмай ўргатди. Ҳозирги кунда унинг шогирдларидан Сафар Дўсжонов Наврўз туман электралоқа корхонаси бошлиғи, Қодиржон Умаров Ширин шаҳар электралоқа корхонаси бошлиғи, Илҳом Хўжаниёзов вилоят давлат электралоқа назоратининг бошлиғи, Парда Орзиқулов, Толиб Жабборовлар Гулистон шаҳар алоқа тармоғида етакчи муҳандис вазифаларида ишлашади. Вилоят алоқа соҳасининг ҳозирги тараққиёт даражасига эришувида Соҳиб ака-нинг ҳам муносиб улуши бор.

Турмуш ўртоғи Феруза Умарова, ўғиллари Раҳшан ва Шуҳратлар ҳам алоқа соҳасида меҳнат қилиб келишмоқда.

Бугунги кунда 50 ёшни қаршилаётган Соҳиб акани қутлуғ ёши билан муборакбод этамиз, Сирдарё вилояти алоқачилари номидан сиҳат-саломатлик, боқий умр тилаб,—«Сиздек алоқа усталари янада кўпаяверсин» дейимиз.

Абдулғафур ҲОТАМОВ,
«Хабар» газетасининг жамоатчи мухбири

• МЕРОС

Саййид Маҳмуд ТИРОЗИЙ

ИСЛОМ ДИНИГА КИРГАН САОДАТМАНДЛАР

Ҳазрат расулуллоҳдин Варақа бу сўзларни эшитиб, унинг пайғамбарликларини тасдиқ этгач, жаноби волидамиз ҳазрати Хадича розиаллоҳу анҳо ниҳоятда хуш бўлдилар. Ўзларининг икки жаҳон аёллари сарвари эканликларига ишондилар. Қилган яхши кўмак ва фаросатлари мева берди. Хадича шукрлар қилур эдилар. Бу давлат шукронаси учун моларин, жонларин ҳазрати расулуллоҳга бахшида эта бошладилар ва ул жанобнинг роҳатлари учун ҳеч бир нарсаларин дариғ тутмадилар. Ул зоти бобаракотга етган ҳар бир кулфат, азиятга балогардон бўлдилар. Қайси кун ҳазрати расулуллоҳ халқни холиқ, тарафига даъват қилдилар, ҳаммадин илгари жаноби волидамиз Хадича розийаллоҳу анҳо ҳазратга имон келтирдилар. Ислом динида ҳаммадан аввал калимаи тайиба (Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадан расулуллоҳ)ни ўқиган зот шул зот бўлдилар. Алҳамдулиллоҳ. Кейин дўстлари Абу Бакр ас-Сиддиқ розийаллоҳу анҳу ва амакизодалари саййидино Али ва мавлолари ҳазрати Зайд ва ходимлари Умм Айман розийаллоҳу анҳум (Аллоҳ улардан рози бўлсун) имон келтирдилар.

Бу беш ҳазрат ҳаммадин аввал ислом динига мушарраф бўлган зотлардур. Буйук эрлардин ҳазрати Абу Бакр, ёшлардин ҳазрати али ва хотунлардин ҳазрати Хадича ва гуломлардин ҳазрати Зайд ва чўрилардин ҳазрати Умм Айман розийаллоҳу анҳум биринчи мусулмонлардурлар. Булар ҳаммадун аввал ислом динига имон келтириб бошқаларни исломга далолат қилдилар ва жаноб расулуллоҳга ҳар лаҳза ҳиммат устига ҳиммат бериб турдилар. Ҳазрати Абу Бакр маккаликлар ўртасида маъруф (танилган) молдор бир савдогар эрдилар, баззозлик дўконлари бор эди. Одамлар ҳамиша ул жаноб қошларига келиб-кетур эрдилар. Суҳбатларин баракотидин ҳазрати Усмон, ҳазрати Абдураҳмон ибн Афв, ҳазрати Талха, ҳазрати Саъд ибн Абу Ваққос мусулмон бўлдилар. Ҳазрати Билол ва ҳазрати Умар ва ҳазрати Холид бин Саъид юқоридагилардин ҳам аввал мусулмон бўлуб эрдилар. Кейин оҳиста-оҳиста ҳазрати Убайда ибнул Жарох ва ҳазрат Абдул Асад бин Билол ва ҳазрати Усмон бин Мазъун ва ҳазрати Арқам мусулмон бўлдилар, розийаллоҳу анҳум ажмаъийн.

Хотинлардин ҳазрати Хадича розийаллоҳу анҳодан кейин расулуллоҳ амакиларин хотинлари ҳазрати Уммул Фазл ва ҳазрати Асмоъ бинт Умаййа ва ҳазрати Асмоъ бинт Абу Бакр ва ҳазрати Умарнинг ҳамширалари ҳазрати Фотима мусулмон бўлдилар, розийаллоҳу анҳум ажмаъийн. Булардин кейин Абдуллоҳ бин Масъуд ва Ҳубоб бин ал-Орот Хотиб ва биродарлари Сулайт ва Масъуд бин Ал-Қори ва Сабиб Румий каби азизлар мусулмон бўлдилар.

Ҳазрати Расулуллоҳ ибтидоий ҳолларида (бошланишида) одамларни секин-секин махфий суратда Аллоҳ-таоло йўлига даъват қилур эдилар. Ва аларни тошларга ва дарахтларга, Ойга, Кунга ибодатдин манъ этиб, танҳо Аллоҳ-таолога нечук ибодат қилинур-ани таълим берур эдилар.

Тақрибан 2 санадин (йилдин) кейин ҳазрати Саййиди Оълам, қариндош ва ақраболарини куфр ва ширкнинг ёмон оқибатидан қўрқитиш учун худо тарафидин маъмур бўлдилар. Бу амри илоҳийга мутобиқ, ҳаммадан илгари ўзларин яқинларига даъват ва таблиғ (миссия)га шуруъ қилдилар.

Жаноб Расули Акрамнинг нубувват ва рисолатларидин мақсад мана бу вазифалардин иборат эди:

1. Аллоҳ-таолонинг рубубият(раббийлик) ва азимат ва жалолин ошкора этмак.
2. Аллоҳ-таолога нофармон бўлгувчиларни ёмон оқибатдин қўрқитмоқ.
3. Одамларга эътиқод, амал ва ахлоқда пок турмак йўлларин кўрсатмак.
4. Ҳар ишда покизалик, сафо(мусаффо)лик ва покдомонликни ўргатмак.
5. Илоҳий таълимларни бе-эваз, холис бермак ва миннат қилмаслик ва ундан бирор қисм манфаати шахсия кутмаслик.
6. Юқоридаги вазифаларни бажармоқда нақадар кулфат ва азиятлар тўғри келса бардош қилмак ва сабр этмак.

Жаноби Набийи Карим сийрати муқаддасларидин диққат ила яхши мутолаа эттан ҳар бир мусулмон бу олти мақсади илоҳийни нақадар мукаммал анжом берганликларин билиб, ҳайратда қолур. Ҳазрати Саййиди Оълам таблиғи муборакларини секин-аста шу тариқада амалга ошя бошлади.

Биринчи маротабада ўзларига ниҳоятда яқин қариндош ва дўстларидин бошладилар. Иккинчи маротабада бутун қавмлари ва ақраболари ва тамоми шаҳар халқига ўтдилар. Учинчи маротабада Маккаи-мукаррама атрофи ва жавоибларидаги қабилаларни қўшдилар. Тўртинчи мартабада Арабистоннинг тамоми шуъба (халқ) ва тоифаларига садоларин етказдилар. Бешинчи маротабада дунёда бор қавмлар ва мухталиф диндорларга Аллоҳ-таолонинг пайғом ва рисолатин етказиб ҳаммаларин худо тарафига даъват қилдилар.

Бу беш марҳулани (вазифани) тай қилишда (бажаришда) ҳазрати расулуллоҳ ниҳоятда буюк камол ва истиқлол ва матонат ва хулқ ва сабр ва азм ила иш кўрдилар. Ва ўз таълимларин исботи йўлида ниҳоятда буюк тадбир ва чоралар ила халқни ҳидоят эта бошладилар. Анинг учун бу жанобни ҳақ пайғамбар билиб, иймон келтиргувчилар ислом махосини ва макоримларини ўзи кўриб, билиб, баъзи бир иштибоҳларига(шубҳаларга) қаноатлик жавобларни олиб, мусулмон бўлдилар.

• Бу қизиқ

ПУЛ ҲАҚИДА

Қадимги Римдаги кўп худолик даврида барча худолар бош худо Юпитерга ва унинг хотини Юнона Монетага тобе деб ишонишарди. Римликлар Юнона Монета шарафига серҳашам ибодатхона қуришади. Кейинчалик фақат мана шу ибодатхонадагина танга зарб қилиш ҳақида қонун чиқарилади.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўпгина давлатларидаги танга пулларни зарб этадиган жой Танга саройи (Монетний двор) деб аталиши ҳам шундан келиб чиққан.

* * *

Эрон подшоси Доро I Гуштасп эрадан анча илгариги замонларда ҳар бири 8,4 грамм соф олтиндан иборат бўлган тангаларни зарб қилдиради. Уларга камон отаётган подшонинг тасвири туширилган бўлиб, Доронинг шарафига бу тангалар дорий деб аталган.

* * *

XIV асрда литваликларнинг кумуш пуллари Украина ҳудудида ҳам муомалада бўлган. Одатга кўра, унинг сифатини аниқлаш учун танганинг бир четини тишлаб кўришарди. Бунинг оқибатида чеккаси кемтик бўлиб қолган тангаларни литваликлар карб, яъни кемтик дейишарди. Мана шу сўз Украина пул бирлигининг номи карбованецга асос бўлган.

* * *

Екатерина I подшолик қилган замонда Россияда бир сўмлик кумуш пулларни худди шу қийматдаги мис тангалар билан алмаштиришга қарор қилинди. Ҳисоблаб кўришганда, бундай мис танга, 1,6 килограмм тош босиши маълум бўлди. Уни зарб этишганда эни ва бўйи 20 сантиметрдан бўлган мис тахтача ҳосил бўлди. Энди мана шундай пулни ҳамёнда олиб юришни бир тасаввур қилиб кўринг-а.

* * *

Барча замонларда ҳам қалбаки пул ясовчиларга қаттиқ жазолар берилган. Масалан, форс подшоси Хаммурапи қонунларида ўлим жазоси белгиланган бўлса, чор Россиясида мол-мулки мусодара этилиб, ўзи Сибирга сургун қилинган.

* * *

1711 йилда рус князи Гагарин ўз бойлиги билан барчани лол қолдирмоқчи бўлди. Шу ниятда у устига чет эл ипак газламаси қопланган, ғилдираклари кумуш гардишли соябонли арава ясаттиради. Унга қўшиладиган саккизта отнинг тақалари соф олтиндан эди.

Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига



— Ойижон, мен туғилганимда менинг Шавкат эканлигимни қаердан билдингиз?

* * *

— Мен соат нечада туғилганман?

— Соат етти яримда.

— Вой, сиз нонушта ҳам қилиб улгуролмабсизда!

* * *

— Ойижон, бола туғилганда ўғил ёки қизлигини қаердан билишади? Ахир уларнинг кийими бўлмайди-ку!

* * *

— Биринчи одам қаердан пайдо бўлган? Ахир уни туғадиган одам бўлмаган-ку!

* * *

— Ўғил болаларни ҳам оналар туғса, унда оталар нима иш қилади?

ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА

* * *

— Нега сочингни тараб келмадинг?

— Уйда тароқ йўқ.

— Отангнинг тароғи-чи?

— Отамнинг сочи йўқ.

* * *

— Қани, ким айтади, электр билан қуёш ўртасида нима фарқ бор?

— Қуёш текинга нур сочади, электрга эса пул тўланади.

* * *

— Яп-янги иштонинг билан балчиққа йиқилдингми яна?

— Ойижон, шу қадар тез йиқилдимки, иштонимни ечиб улгурмадим.

* * *

— Отанг сени урадими, Асил?

— Йўқ, мен ака-укаларнинг кенжасиман, уриш навбати менга келгунча отам чарчаб қолади.

ВОЖИБ АМАЛЛАР

1. Ваъдага вафо қилиш.
2. Келгусида бирор ишни қиламан деб ният қилган киши, иншоаллоҳ, иборасини қўшиб қўйиши.
3. Ўзгаларга нисбатан хайрихоҳ бўлиш.
4. Берилган совға ва ҳадъяларни қабул қилиш
5. Яхшилик қилган кишига яхшилик қайтариш.
6. Хафа қилган кишини кечириш, гина сақламаслик.
7. Бозорда сотаётган нарсасининг айбларини айтиб сотиш.
8. Айбсиз одам ғийбат қилинганда билган кишиларнинг уни оқлаб ҳимоя қилиши.

«ТИЖОРАТ ВА ҲАЛОЛЛИК» китобидан

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир : Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ Шуҳрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ Шоҳруҳ АКБАРОВ Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД Саид СИДДИҚОВ Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририят келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0472. 7863 нусхада чоп этилди

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 Эстрада қўшиқлари.
9.00 «Замин фидойилари». Телеочерк.
9.25 «Тилга эътибор...»
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Эртаклар яхшиликка етаклар...» «Фотиманинг саргузаштлари». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.00 «Жарайён». Публицистик кўрсатув.
11.25 «Фан фидойилари». Академик Ғеша Зоҳидов.
11.55 «Бошсиз чавандоз». Бадиий фильм.
13.30 «Камондаги қалб». Мусиқий композиция.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Истиқлол жамоли».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Солиқ ва бож — иқтисодиётимиз таянчи».
21.25 «Зарчашма».
21.45 «Мусиқа ҳиёбони».
22.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «МХСК».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб» (мода янгиликлари).
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўриш».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.30 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб» (мода янгиликлари).
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўриш».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.30 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тараққиёт сари йўл».

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Тоғ қўллари сирлари», «Ёз оқшоми». Телефильмлар.

Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шифокор билан мулоқот».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дипкурьер».
21.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.30 «Спорт-дайджест».
22.00 «Океандан океангача». USA-круиз.
22.30 «Қулғу асло қаритмас».
23.00 Эълонлар.
23.05 «Сиз учун куйлайман». Влад Усмонов.
23.25—23.35 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Кекса санъатқорлар».
9.00 «Катта хирмон ўлимда». Публицистик кўрсатув.
9.25 «Бола бошидан...».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Обидалар — руҳият рамзи».
10.30 Аниффо сабоқлари.
11.00 «Жаннат — оналар оёғин остидадур...». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Кичкинтой» устахонаси.
12.00 Рақслар олами.
12.30 У. Гаджибеков. «Аршин мол олан». Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.55 ЎзТВ хазинасидан. Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Замон билан ҳамнафас».
18.40 «Пойтахт концерт залларида».
19.00 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19:55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.15 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.45 «Мен Ватанни мадҳ этаман...».
21.55 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.10 «Автолюбитель».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «Сўз Сизга». Ёшлар учун кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Заргар».

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Жонли сайёра».

*

Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Жаҳон болалари».
19.40 «Дўстлик қанот ёзганда».
20.10 «Тошкент оқшомида».
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.25 «Самарали изланишлар».
21.55 «Маънавият сарчашмалари».



22.25 Эълонлар.
22.30 «Шарқ тафаккури».
23.00 «IV канал эксклюзиви».
23.30 Эълонлар.
23.35 «Юлдузлар жилоси».
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Болалар учун. «Она шаҳрим».
8.55 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.10 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Муқаввар ниғоҳи».
9.20 «Хотира». Шарофиддин Шарипов.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Санъат ғунчалари».
10.35 «Оналар мактаби».
11.05 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
12.30 Ўзбек куйларидан концерт.
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Ҳаворанг атиргул». Болалар учун фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта танаффус».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Омонлик тилаймиз!».
18.55 «Аввал иқтисод...».
19.10 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.20 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мутойиба».
21.35 «Дилнавоз садолар».
22.00 «Одобнома».
22.10 Ҳиндистон мустақиллиги кунига. «Жаннат». Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Жаннат». Бадиий фильм. 2-серия (Ҳиндистон).
01.15 Тунги тароналар.
01.25—01.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35—00.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Оддий кун». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.35

*

20.35 «Ўзбектелефильм» таништиради: «Зарафшон».
20.55 Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Сеҳр».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «02» тўлқинида».
21.15 «Эколот-коктейль».
21.45 «Компьютер-ревю».
22.10 «Онагинам».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Санъат олами».
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Севимли сароййимиз».
9.40 «Кашф этилаётган имкониятлар». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Шоҳруҳ» клуби.
10.30 «Катта бўлишни хоҳламайман». Бадиий фильм.
11.55 «Халқ ижодиёти». «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони. 1-кўрсатув.
12.30 «Ислоҳот ва масъулият». «Мингдан бир имконият».
13.00 «Қирқ кунар ҳам оз...».
13.30 «Жонона келибдур...» Рушель Рубинов, Ўктам Аҳмедов.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Олти жаҳонгашта». Болалар учун фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти қолдузлар».
18.25 «Офарин».
18.50 «Йигит омон бўлса...»
19.10 Бизнес ҳафта якунлари.
19.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Мустақиллик солномаси».
21.25 «Ривоят».
21.35 «Таниш ва номаълум».
22.00 Маслаҳат.
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20—23.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мусаввир». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.35

*

20.35 «Мусиқий учрашувлар». «Шаҳзод» гуруҳи.

*

Россия жамоат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 Янгиликлар.
22.30 — 23.50 Киноклассика. Акиро Куросаванинг «Кугемуша» фильми. 1-серия.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Учқун».
19.30 Эълонлар.
19.35 Монитор-«Осиё».
19.55 «Билиб қўйган яхши».
20.20 «Бумеранг».
20.45 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Коинот».
21.50 «Бу ёстон аро...».
22.20 «Кайфият».
22.50 «Мусиқий меҳмонхона».
23.25 Эълонлар.
23.35 «Араб эстрадаси».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ШАНБА 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Диққат, премьера: Рустам Маъдиев, Фарҳод Олимов. «Девона». Мукимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг спектакли.

«Ёшлик» студияси
намойиш этади:

10.45 «Тараннум». Мусиқий дастур.
11.15 «Менга сўз беринг!».
12.15 Вилоят студияларининг телевизион фестивали.
12.35 «Елқин». Тележурнал.
12.55 «Хазина».
13.15 «Экран ҳандаси».
13.35 «Халқ ижодиёти». «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони. 2-кўрсатув.
14.10—14.40 «Ёшлар ижоди». Баҳодир Иброҳимов ва Инобат Собирова.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ишингиз бароридан келсин!».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.55 «Мусиқа салтанати».

«Тунги ёлғу».
Дам олиш дастури:

22.15 «Заковат».
22.25 «Мўъжиза».
22.40 «Имкон чўққилари».
22.55 «Леди Жейн». Бадиий фильм.

II

9.00 «Мультдаста».
9.15 «Боланинг тили...»
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 Дилором наволар.
9.45 «Таманно».
9.55 «Йўловчи ва транспорт».
10.00 «Мусиқий майдонча».
10.25 Видео янгиликлари.
10.45 Видео—«О».
12.25—13.25 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мультғуллам».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 Телесериал. «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. 1-фильм. «Онаизор» (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Ялла».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёвуз муҳаббат».
21.20 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10—23.50 Видео — «О».

III

17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.05 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 Киноклассика. Акиро Куросаванинг «Кугемуша» фильми. 2-серия.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 — 22.55 «Ясрларга татигулик». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:

10.00 «Замандас».
10.30 «Безнен мирас».
11.00 Эълонлар.
11.05 «Чинсен».
11.35 Эълонлар.
11.40—12.50 Болалар учун фильм. «Буюк ҳайвон ўргатувчи».

* * *

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кувноқ ёз».
19.20 Эълонлар.
19.25 «Спорт-дайджест» (рус тилида).
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Олам ва одам».
21.15 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
21.20 «Кинонинг олтин асри». Луи де Фюнес «Инсон—оркестр» фильмида (Франция).
22.40 «Ассалом, Франция!». Серж Лама куйлайди.
23.00 «Рақслар қанотида».
23.30 Эълонлар.
23.35—23.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА 18

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Кувноқ стартлар». Саралаш мусобақалари.
11.45 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.15 «Етти хазинанинг бири». Балиқчилар қунига бағишланади.
12.35 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 4-кўй.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Атласчи».
14.00—15.00 «Болаларим — пошшоларим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Мустақиллик солномаси».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шахс ва бахс».
21.55 «Бу мунис лаҳзалар». Мусиқий кўрсатув.
22.10 ЎзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 5-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультғуллам».
9.30 «Жозиба».
9.35 «Компьютер-Осиё».
9.55 «Дубляж».
10.05 «Зиндаги ёвуз муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео—«О».
12.15—13.15 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Боланинг тили...»
18.35 Эълонлар.
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 Дилором наволар.
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Транспорт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Сиздан ишорат». Мусиқий кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Телесериал. «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. 2-фильм. «Онаизор» (Миср Араб Республикаси).
21.50 «Дараҳчи».
22.00 Видео янгиликлари.
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00—00.40 Видео — «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.15 — 22.25

*

22.25 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
22.30 — 00.10

*

00.10 — 00.35 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
10.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.10 «Жонли сайёра».
12.30 Эълонлар.
12.35 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
13.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
13.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал (Англия).
14.15 Эълонлар.
14.20 «Ок соя».
14.50 «Киносалон». Аль Пачино ва Шон Пен Брайн де Пальманинг «Карлито йўли» фильмида.

*

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Телеташирф».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Иштирок этувчилар».
19.45 Киносалон. Аль Пачино Брайн де Пальманинг «Чандиқли юз» фильмида.
21.10 Эълонлар.
21.15 «ТВ IV да етти кун».
21.30 «Чандиқли юз» (фильмнинг давоми).
22.55 Эълонлар.
23.00 «Туризм-ревю».
23.30 «Сенинг вақтинг».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).